ЎЗБЕКИСТОН ГЕРПЕТОФАУНАСИ (CHORDATA, REPTILIA) НИНГ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ

М.Ҳ.Аҳмедов, А.Д.Раҳимов

Мақолада Ўзбекистон герпетофаунасини ўрганишга оид адабиётлар қиёсий таҳлил этилган. Ўзбекистонда 2 туркумга мансуб 60 тур судралиб юрувчилар учрайди, улардан 16 тури Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган.

Калит сўзлар: *Фарғона водийси, рептилиялар, тангачалилар, гекконлар, агамалар, илонлар, эндемик турлар, "Қизил китоб"*

В данной статье проанализирована классическая и современная литература, посвященная исследованию герпетофауны Узбекистана. Установлено, что в ней встречается 60 видов рептилий, принадлежащих к 2 отрядам, в том числе 16 видов пресмыкающихся занесены в "Красную книгу" Узбекистана.

Ключевые слова: *Ферганская долина, рептилии, чешуйчатые, гекконы, агамы, змеи, эндемики, "Красная книга".*

The article contains materials of comparative study of references dealing with peculiarities of herpetofauna of Uzbekistan. The author established that 60 types of reptiles belonging to 2 groups can be seen in the territory of Uzbekistan, and 16 types of them are involved into the Red Book of Uzbekistan.

Key words: *Ferghana valley, reptilia, squamata, gecko, agama, snakes, endemic species, Red book*

Судралиб юрувчилар турли экотизимларнинг ажралмас қисми сифатида уларнинг озуқа занжирида муҳим ўрин тутади. Шу боис Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон судралиб юрувчилар фаунасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар нисбатан узоқ тарихга эга. Бу борадаги дастлабки маълумотлар деярли 200 йил олдин эълон қилинган. Бу ўринда Э.А.Эверсманн (1821-1827), А.Леманн (1841-1842), А.П.Федченко (1870-1873) тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур муаллифлар Туркистоннинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш асносида бошқа жониворлар қаторида ўлканинг герпетофаунасига оид маълумотларни ҳам йиққанлар, шу боис Туркистон ўлкаси судралиб юрувчилари ҳақидаги илк маълумотлар мазкур тадқиқотчилар номи билан боғланган.

Умуман олганда, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мунтазам равишда уюштирилган экспедициялар Марказий Осиё табиати, табиий бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш борасида муҳим омил бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Д.Н.Глазунов бошчилигида Зарафшон воҳаси, Н.В.Богоявленский бошчилигида Олой водийси, Помир ва Зарафшон тоғлари (1895-1898) ҳамда Л.С.Берг бошчилигида Орол денгизи атрофи (1900-1901), Г.Соболевский бошчилигидаги экспедиция эса Мирзачўл, Қорақум ва Ҳисор тоғлари (1912) ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганган.

XX асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон герпетофаунасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган (Даль, 1936, 1937; Зоҳидов, 1938; Калужина, 1951; Андрушко, 1953; Дубинин, 1954). Фарғона водийси судралиб юрувчиларини тадқиқ этиш Х.С.Солиҳбоев, О.П.Богданов (1960) Э.В.Вашетко (1972) номлари билан боғлиқ.

О.П.Богданов (1960) маълумотларига кўра, Ўзбекистон судралиб юрувчилари 2 туркум ва 56 турга мансуб, Т.З.Зоҳидовнинг "Зоология энциклопедияси" (1969)да эса Ўзбекистон минтақасида учровчи 52 тур рептилиялар ҳақидаги маълумотлар қайд этилган, Ж.Л.Лахановнинг "Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи" (1988)да турлар кўрсаткичи 58 тани ташкил этади. Биологик хилма-хилликни сақлаш (Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси ва ҳаракат режаси, 1998) да 58 тур рептилиялар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби" (2009) да таъкидланишича, минтақа герпетофаунасига 60 тур мансуб [13]. Улардан 16 тури Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган. Улар қаторида бўлган Штраух тўғаракбоши (Phrynocephalus strauchi Nikolsky, 1905), Саид-Алиев тақир тўғаракбоши (Phrynocephalus helioscopus (Pallas, 1771) ssp. saidalievi Sattorov, 1981), Рустамов сцинк гекони (Teratoscincus scincus (Schlegel, 1858) ssp. rustamowi Szczerbak, 1979), қалқонли гекконча (Alsophylax loricatus Strauch, 1887 ssp. loricatus strauch, 1887), Фарғона қум калтакесаги (Eremias scripta (Strauch, 1867) ssp. pherganensis Szczerbak et Washetko, 1973), бўз эчкемар (Varanus griseus (Daudin, 1803) ssp. caspius (Eichwald, 1831) Фарғона водийсида учрайди [12].

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон герпетофаунасининг 50 % и (30 тур ва кенжа турлар) эндемик саналади, бу эса судралиб юрувчилар фаунасининг айни минтақада ўзига хос шаклланганлигини изоҳлайди. Шу боис мазкур гуруҳ жониворларнинг қатор турлари муҳофазага муҳтож, йўқолиб бораётган турлар сифатида Ўзбекистон "Қизил китоб"идан ўрин олган.

Фарғона водийсида рептилияларнинг 23 тури ва кенжа тури (умумий фаунанинг 38 %) қайд этилган, уларнинг 7 таси (33 %) эндемик бўлиб, 6 тур ва кенжа тур (37 %) Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, кейинги 40 йилдан ортиқ давр давомида Фарғона водийси герпетофаунаси режали тадқиқ этилмаган, турлар мониторинги ўтказилмаган. Ушбу мақола Ўзбекистон, шу жумладан, Фарғона водийси судралиб юрувчиларини ўрганишга оид адабиётларни таҳлил этиш ҳамда айрим турлар бўйича олинган маълумотлар баёнига бағишланган.

Тошбақалар (Testudines) туркуми, яширин бўйинли тошбақалар (Cryptodira) кенжа туркуми, қуруқлик тошбақалари (Testudinidae) оиласига мансуб биргина тур - Ўрта Осиё чўл тошбақаси (Agrionemys horsfieldi Gray, 1844) Устюртда, Қизилқумда, Фарғона водийсида, Мирзачўлда ва республиканинг соз тупроқли саҳро, чала саҳро ва адирларида яшайди. Айрим ҳолларда тоғ минтақаларининг 1150 метргача бўлган чегарасига қадар кўтарилиб боради [7].

Жанубий ҳудудларда кўклам эрта бошланган йилларда тошбақалар февраль охири – март ойининг бошларида қишки уйқудан уйғонади. Кўплаб учраши мартнинг иккинчи ярми, апрель ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Ёзги уйқуга кетиши жанубий минтақаларда май ойининг ўрталарида, шимолда эса июнда кузатилади. Қисқа муддатли узилишдан сўнг тошбақалар қишки уйқуга ўтади [4].

Ўрта Осиё чўл тошбақаси озуқа спектрини 7 оила (Poaceae, Cyperaceae, Chenopochiaceae, Leguminosae, Solanaceae, Cucurbitaceae, Compositae), 22 туркум ва 52 турга мансуб бўлган ўсимликлар ташкил этади.

Тангачалилар (Squmata) туркуми, калтакесаклар (Lacertilia) кенжа туркумининг Ўзбекистонда 38 та тури аниқланган [13].

Гекконлар (Gekkonidae) оиласининг вакилларидан 8 тури - Рустамов сцинк геккони (Teratoscincus scincus (Schlegel, 1858) ssp. Rustamowi Szczerbak, 1979), тароқ бармоқли геккон (Crossobamon eversmanni (Wiegmann, 1834), чийилдоқ гекконча (Alsophylax pipiens (Pallas, 1813), силлиқ гекконча (Alsophylax laevis Nikolsky, 1907), қалқонли гекконча (Alsophylax loricatus Strauch, 1887 ssp loricatus Strauch, 1887), кулранг геккон (Gymnodactylus russowi Strauch, 1887), Каспий геккони (Gymnodactylus caspius Eichwald, 1831), Туркистон геккони (Cyrtopodion fedtschenkoi Strauch, 1887) учрайди. Қумли чўлларда сцинксимон геккон, жанубий ва ғарбий минтақаларда тароқ бармоқли геккон, Қорақалпоғистонда чийилдоқ гекконча, ғорлар ва бинолар шифтида кулранг геккон ва тоғли ҳудудларда Туркистон геккони, Фарғона водийсида эса Рустамов сцинк геккони, қалқонли гекконча ва кулранг гекконлар учрайди [3,4,7,12,14].

Агамалар (Agamidae) оиласининг вакилларидан дашт агамаси (Trapelus sanguinolentus (Pallas, 1813), Ҳимолай агамаси (Agama himalayana (Steindachner, 1867), Кавказ агамаси (Agama caucasica (Eichwald, 1831), Туркистон агамаси (Stellio lehmanni (Nikolsky, 1896), Павловский агамаси (Agama pawlowsky Cernov et Dubinin, 1945), Саид-Алиев тақир тўғаракбоши (Phrynocephalus helioscopus (Pallas, 1771) ssp. saidalievi Sattorov, 1981), Хентоғ тўғаракбоши (Phrynocephalus rossikowi Nikolsky, 1899 ssp. rossikowi Nikolsky, 1899), Матрап тўғаракбоши 3 тур ва кенжа тури (Phrynocephalus reticulates Eichwald, 1831; Phrynocephalus reticulates Eichwald, 1831 ssp. reticulates reticulates Eichwald, 1831; Phrynocephalus reticulates Eichwald, 1831 ssp reticulates boettgeri (Bedriaga, 1905), Штраух тўғаракбоши (Phrynocephalus strauchi Nikolsky, 1905), Молчанов тўғаракбоши (Phrynocephalus moltschanovi Nikolsky, 1913), қум тўғаракбоши (Phrynocephalus interscapularis Lichtenstein, 1856), қизилқулоқ тўғаракбоши 2 тур ва кенжа тури (Phrynocephalus mystaceus (Pallas, 1776), Phrynocephalus mystaceus (Pallas, 1776) ssp. mystaceus galli Krassowsky, 1932) Ўзбекистонда учраши аниқланган [1, 3, 4, 9, 11, 12, 13, 14]. Фарғона водийсида дашт агамаси, Саид-Алиев тақир тўғаракбоши, Штраух тўғаракбоши, қум тўғаракбоши, қизилқулоқ тўғаракбоши учрайди [3, 4, 9, 12, 14].

Ўзбекистон "Қизил китоб"идан ўрин олган Саид-Алиев тақир тўғаракбоши Марказий Фарғонада - Фарғона табиат ёдгорлиги ҳудудида 2014 йил 7 май куни қайд этилди. У мазкур ҳудудда кўплаб учрайди. Дашт агамаси шу ҳудудда 2014 йил 5 июнь куни кузатилди.

Эчкемарлар (Varanidae) оиласининг биргина вакили – бўз эчкемар (Varanus griseus (Daudin, 1803) ssp. caspius (Eichwald, 1831) Ўзбекистонда (Қизилқум, Сурхондарё, Қашқадарё, Мирзачўл), шу жумладан, Фарғона водийси (Марказий Фарғона қумликлари, адир минтақалари)да учрайди. В.И.Кушелевский, А.С.Мальчевский, О.П.Богданов (1960)лар ҳам бўз эчкемар Фарғона водийси-

да учрашини қайд этганлар [3, 12]. 2014 йил 7 май куни Марказий Фарғонада – Фарғона табиат ёдгорлиги ҳудудида учраши биз томонимиздан кузатилди. Тана ўлчами сезиларли катта бўлмаган бу эчкемар қум барҳанининг шимолий ён бағрида вақтли сув ҳавзаси яқинида қайд этилди.

Урчуқсимонлар (Anguidae) оиласининг бир тури (сариқилон (Ophisaurus apodus (Pallas, 1775) учрайди. У текислик, тоғолди чўл ва даштларида кенг тарқалган, шиллиққуртлар ва мингқулоқлар билан озиқланиб қишлоқ хўжалигига фойда келтиради [7].

Сцинклар (Scincidae) оиласининг Ўзбекистонда 5 тури (олтинранг мабуя (Mabuya aurata (Linnaeus, 1758), узун оёқли сцинк (Eumeces schneideri (Daudin, 1803) ssp. schneideri prince Eichwald, 1839), Осиё илонқуйруғи (Ablepharus brandti Strauch, 1868), чўл илонқуйруғи (Ablepharus deserti Strauch, 1868), Олой илонқуйруғи (Ablepharus alaicus Elpatjewsky, 1901) яшайди, шундан Фарғона водийсида чўл илонқуйруғи учрайди [3].

Асл калтакесаклар (Lacertidae) оиласининг вакилларидан илдам калтакесак (Lacerta agilis Linnaeus, 1758 ssp. agilis exigua Eichwald, 1831), тез калтакесак (Eremias velox (Pallas, 1771) ssp. velox velox (Pallas, 1771), тожик калтакесакчаси (Eremias regeli Bedriaga, 1905), холдор калтакесак (Eremias multiocellata Gunther, 1872), Никольский калтакесаги (Eremias nicolskii Bedriaga, 1905), чизиқли калтакесак (Eremias lineolata (Nikolsky, 1896), Фарғона қум калтакесаги (Eremias scripta (Strauch, 1867) ssp. pherganensis Szczerbak et Washetko, 1973), ўртача калтакесак (Eremias intermedia (Strauch, 1867), қорахолдор калтакесак (Eremias nigrocellata (Nikolsky, 1896), ранг-баранг калтакесакнинг 2 кенжа тури (Eremias arguta (Pallas, 1773) ssp. arguta arguta (Pallas, 1773), Eremias arguta (Pallas, 1773) ssp. arguta uzbekistanica (Cernov, 1934), тўр калтакесак (Eremias grammica (Lichtenstein, 1823) Ўзбекистонда аниқланган [3]. Фарғона водийсида тез калтакесак (Eremias velox (Pallas, 1771) ssp. velox velox (Pallas, 1771), Никольский калтакесаги (Eremias nicolskii Bedriaga, 1905), Фарғона қум калтакесаги (Eremias scripta (Strauch, 1867) ssp. pherganensis Szczerbak et Washetko, 1973), ранг-баранг калтакесак (Eremias arguta (Pallas, 1773) ssp. arguta uzbekistanica (Cernov, 1934) учрайди [3, 4, 5, 6, 10].

2014 йил 7 май куни Марказий Фарғонада - Фарғона табиат ёдгорлиги ҳудудида куннинг ўрталарида тез ҳаракатланаётган Фарғона қум калтакесаги қайд этилди. Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган ушбу тур Фарғона табиат ёдгорлиги ҳудудида сезиларли кенг тарқалганлиги маълум бўлди.

Илонлар (Serpentes) кенжа туркумининг Ўзбекистонда 6 та оилага мансуб 21 тури учраши аниқланган [13].

Кўрилонлар (Typhlopidae) оиласига мансуб кўрилон (Typhlops vermicularis (Merrem, 1820) Ҳисор тоғлари этакларида (Бойсун атрофида), Кўҳитангда ва унга яқин тоғ олди ҳудудларида (Шеробод атрофида) яшаши қайд этилган [3, 4].

Бўғма илонлар (Boidae) оиласига энг йирик илонлар киради. Ўзбекистонда Шарқ бўғма илоннинг 2 кенжа тури (Eryx tataricus (Lichtenstein, 1823) ssp. tataricus tataricus (Lichtenstein, 1823), Eryx tataricus (Lichtenstein, 1823) ssp. Tataricus speciosus Tzarewsky, 1915), қум бўғма илони (Eryx miliaris (Pallas, 1773) яшайди. Устюрт ва Амударё қумлоқларида, Хоразм воҳасидаги қумларда, Қизилқумда ва Зарафшоннинг қуйи оқимидаги қумларда қум бўғма илони, соз тупроқли чўлларда ва тоғолди ҳудудларда, жумладан, Фарғона водийсида Шарқ бўғма илони (Eryx tataricus (Lichtenstein, 1823) ssp. tataricus tataricus (Lichtenstein, 1823) тарқалган. Ўз пайтида Шарқ бўғма илони В.Г. Гептнер ва О.П.Богданов (1960) томонидан Қўқон атрофларида қайд этилган [3].

Сувилонлар (Colubridae) оиласига Ўзбекистонда учровчи сувилон (Natrix tessellata (Laurenti, 1768), кўндаланг йўлли бўритиш илон (Lycodon striatus (Schaw, 1802) ssp. striatus bicolor (Nikolsky, 1903), Афғон литоринхи (Lytorhinchus ridgewayi Boulenger, 1887) қизил йўлли чипорилон (Coluber rhodorhachis (Jan, 1865) ssp. rhodorhachis lodacensis (Anderson, 1871), кўндаланг йўлли чипорилон (Coluber karelini (Brandt, 1838)), ранг-баранг чипорилон (Coluber ravergieri (Menetries, 1832), холдор чипорилон (Coluber tyria (Linnaeus, 1758) ssp. tyria tyria (Linnaeus, 1758), тўрт чизиқли чипорилон (Elaphe quatuorlineata (Lacepede, 1789) ssp. quatuorlineata sauromates (Pallas, 1813), нақшдор чипорилон (Elaphe dione (Pallas, 1773), Ҳинд бойгаси (Boiga trigonatus (Schneider, 1802) ssp. trigonatum melanocephala (Annandale, 1904), ўқилон (Psammophis lineolatum (Brandt, 1838) киради. Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида холдор чипорилон, кўндаланг йўлли чипорилон, ўқилон, Устюртда тўрт чизиқли чипорилон, тоғ этакларида эса қизил йўлли чипорилон тарқалган [7, 12, 13]. Фарғона водийсида сувилон, кўндаланг йўлли чипорилон, ранг-баранг чипорилон, ўқилон яшаши аниқланган [3, 14].

Аспидлар (Elapidae) оиласига мансуб Ўрта Осиё кобраси (Naja oxiana (Eichwald, 1831) Боботоғ, Ҳисор, Сурхондарёда кўпроқ, Қарши даштлари, Зарафшон ва Нурота тоғларида кам учрайди [3, 4].

Қора илонлар (Viperidae) оиласининг вакилларидан дашт қора илонининг 2 кенжа тури

(Vipera ursine (Bonaparte, 1835) ssp. ursine renardi (Christoph, 1861, Vipera ursine (Bonaparte, 1835) ssp. ursine renardi tienshanica (Nilson et Andren, 2001), кўлвор илон (Vipera lebetina (Linnaeus, 1758) ssp lebetina turanica (Cernov, 1940), қум чархилони (Echis carinatus (Schneider, 1801) Ўзбекистонда (Қизилқум, Устюрт ва Амударё қирғоқларида, Фарғона водийси, Нурота, Зарафшон, Ҳисор ва Кўҳитанг тоғларида) яшаши аниқланган. В.И.Кушелевский чўл қора илонини Марказий Фарғонадан топган [3,13].

Шақилдоқ илонлар (Crotalidae) оиласининг бир тури қалқонтумшуқ илон (Ancistradon halys (Pallas, 1776) ssp. halys caraganus (Eichwald, 1831) Ўзбекистонда тарқалган. У Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳамда Мирзачўл ва Хоразм чўлларида, Фарғона водийсида учрайди. А.П.Федченко қалқонтумшуқ илонни Шоҳимардон яқинидан топган [3].

Юқоридагилар асосида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. Ўзбекистон герпетофаунасини ўрганиш бундан 200 йил олдин бошланган, Фарғона водийси судралиб юрувчиларини режали тадқиқ этиш кейинги 40 йилдан ортиқ ўтган давр давомида йўлга қўйилмаган, турлар мониторинги амалга оширилмаган.

2. Ўзбекистон герпетофаунаси 2 туркумга мансуб 60 турдан иборат. Улардан 16 тури Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган.

3. Фарғона водийсида судралиб юрувчиларнинг 23 тур ва кенжа турга мансуб вакиллари учрайди, уларнинг 6 номдагилари Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

4. Фарғона водийсида судралиб юрувчилар турлари хилма-хиллиги юқори бўлган ҳудуд Марказий Фарғона – Фарғона табиат ёдгорлиги депараси саналади. Фарғона табиат ёдгорлиги ҳудудида бўз эчкемар, дашт агамаси, Саид-Алиев тақир тўғараксбоши, Фарғона қум калтакесаги сезиларли кенг тарқалган.

5. Ўрта Осиё чўл тошбақаси озуқа спектрини 7 оила (Poaceae, Cyperaceae, Chenopochiaceae, Leguminosae, Solanaceae, Cucurbitaceae, Compositae), 22 туркум ва 52 турга мансуб бўлган ўсимликлар ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Андрушко А. М. Эколого-фаунистический очерк пресмыкающихся центральной части пустыни Кызыл-Кум. //Вестник ЛГУ.- 1953.- № 7.- С. 99-106.

2. Биологик хилма-хилликни сақлаш. Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси ва ҳаракат режаси.- Т., 1998. – Б.122-123

3. Богданов О. П. Фауна Узбекиской ССР. Земноводные и пресмыкающиеся. Т.1.– Т.: АН УзССР, 1960.

4. Богданов О.П. Ўзбекистон ҳайвонлари.- Т., 1983.- Б.50-91

5. Вашетко Э. В. Экология быстрой яшурки в Ферганской долине // Экология и биология животных Узбекистана. т. 51, вып 1.- Т., 1972.

6. Вашетко Э. В. Экология полосатой ящурки в Ферганской долине // Экология и биология животных Узбекистана. – Т.: Фан, 1972.- С. 240-245.

7. Дадаев С., Сапаров Қ. Зоология (Хордалилар, 2-қисм).- Т., 2011.- Б.222-246.

8. Захидов Т.З. Биология рептилий Южных Кызыл-Кумов и хребта Нура-Тау.// Труды САГУ. Зоология. Вып. 54.- Т., 1938.- С. 1-52.

9. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Амфибия ва рептилиялар (Газандалар). – Т.: Фан, 1969.

10. Калужина М. В. Морфология и биология отряда яшериц Зерафшанской долины. // Труды биолого-почвенного факультета УзГУ (зоология). Новая. серия. вып. 46.- Самарканд, 1951.

11. Лаханов Ж.Л. Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи. –Т.: Ўқитувчи, 1988. – Б.30-50.

12. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. Жилд 2. Ҳайвонот олами.- Т.: Чинор, 2009.- Б. 7, 113-128.

13. http://sgp.uz/base/Uzbek/hayvonlar.htm

14. http://www.zoogeo365.ru/?id=550&sid=class&sstp=ferganskaya_dolina&stp=area_taxon_photo&wclass=3

Андижон давлат университети,
2014 йил 16 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Умматов)